



КОРХОНАДА БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДА ХАРАЖАТЛАР МАЗМУНИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИГА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАР

Исомухамедов Акбаржон Боходир ўғли

Наманган муҳандислик-қурилиш институти, стажёр ўқитувчиси

(мустақил тадқиқотчи)

akbarjon@gmail.com ORCID: 0009-0004-2630-3840

Аннотация: Мақолада ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган харажатлар ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган қарорлар муҳокама эилган.

Калит сўзлар: Кичик бизнес, харажат, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб сиёсати, таннарх, асосий ишлаб чиқариш.

Аннотация: В статье рассматриваются затраты, возникающие в производственном процессе, и решения, используемые при их реализации.

Ключевые слова: Малый бизнес, себестоимость, учет, учетная политика, себестоимость, основное производство.

Abstract: The article discusses the costs incurred in the production process and the decisions used in their implementation.

Key words: Small business, cost, accounting, accounting policy, cost, basic production.

Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштирилиши жараёнида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар тизимини шакллантирилмоқда. Ҳозирги пайтда бозор муносабатлари чуқурлашуви билан ушбу соҳа иқтисодий ўсишининг ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг белгиловчи омилларидан бирига айланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолининг катта қисмининг иш билан бандлигини таъминламоқда, экспортбоп товарлар ишлаб чиқарувчи сектор сифатида намоён бўлмоқда. Мувофиқ равишда кичик бизнес корхоналарида самарали бошқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун эса уларда бухгалтерия ҳисобини замонавий тамойиллар асосида олиб борилиши вазифаси долзарб тус олмоқда. Шунингдек, кичик бизнес кўринишидаги хусусий тадбиркорлик субъектларининг муайян қисми ўрта ва йирик корхоналарга айланади, кичик бизнес мамлакатдаги рақобат муҳитига ижобий таъсир этади, асосан



аҳолининг кам ва ўрта даромадли қатламлари эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади, маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда айниқса муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда ва бунинг ижобий натижалари яққол сезилиб турибди.

Кичик бизнес субъектлари ўз хўжалик-иқтисодий фаолиятини мустақил равишда олиб боради. Уларнинг кўпчилигининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бизнес эгаларининг корхона мажбуриятлари бўйича тўла жавобгарлигини назарда тутди. Фақат акциядорлик жамиятлари ёки масъулияти чекланган жамият кўринишидаги корхоналарда уларнинг эгалари иқтисодий масъулияти капиталга қўшилган улуш доирасида чеклаб қўйилган.

Корхона фаолияти натижалари бўйича тўла моддий масъулият корхонани бошқариш жараёнига нисбатан юксак талаблар қўяди. Менежмент корхонанинг мол-мулкни асрашга ва кўпайтиришга, бозордаги мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, корхона даромадларини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Кичик бизнеснинг яна бир хусусияти шундаки, унда бошқарувчилар билан ишчи ходимлар ўртасида ҳеч қандай оралиқ бўғинлар мавжуд эмас, кўпинча бошқарувнинг ўзи ҳам ишчи ходимларга хос функцияларни ҳам бажаради. Демак, кичик бизнес корхонасида ходимларнинг иш ҳақи корхона даромадларининг алоҳида шакли сифатида намоён бўлади. Корхона даромадларининг ошиши билан ходимларнинг иш ҳақи ҳам ошади. Корхона эгасининг даромади фақат фойда билан чекланмайди, балки унинг ўзининг ва оила аъзоларининг иш ҳақи ҳам корхонадан олинadиган даромад деб қаралади.

Кичик бизнес корхонасини самарали бошқариш тезкор ва аниқ ахборот базисига таяниши лозим. Маълумки, иқтисодий ахборот ташқи муҳитдан (бозордаги аҳвол ҳақидаги маълумотлар, ҳуқуқуий нормалар, солиқларга оид расмий қоидалар ва маълумотлар, статистик маълумотлар, биржалар ва банклар маълумотлари ва бошқалар) ва корхонанинг ўзидан (биринчи навбатда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари) олинади.

Бухгалтерия ҳисоби бошқарув тизимида ва бошқарув вазифаларини ижро этилишида фаол роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби олиб борилиши масъулияти тўғридан-тўғри корхона раҳбарининг зиммасига юкланган.



Кичик бизнес корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритилишининг расмий тартиб-қоидалари 1999 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 87-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва 2000 йил 24 январда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган 20-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида»ги бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС)да ўз ифодасини топган. Унга кўра, кичик бизнес корхоналари соддалаштирилган ҳисоботлар режаси асосида бухгалтерия ҳисобини юритишлари мумкин. Мазкур стандарт кичик тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобини юритишда қўллашлари лозим бўлган ҳисоб регистрлари рўйхатини, регистрларнинг шакли ва мазмунини, уларнинг юритилиши тартибини белгилаб берган.

Маълумки, бухгалтерия ҳисобининг икки жиҳати мавжуд: молиявий ва бошқарув ҳисоби. АҚШ тажрибасида (GAAP) молиявий ҳисоб ташқи фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, корхона хўжалик фаолияти натижаларини характерловчи ҳаққоний молиявий ахборотдан иборат бўлган ҳисоботларни тайёрлаш, бошқарув ҳисоби ахборотга ички эҳтиёжларни қондириш, бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун юритиладиган фирма ички ҳисоб тизимидир [1].

Мамлакатимизда молиявий ҳисобнинг тартиб-қоидалари давлат томонидан расмий равишда белгилаб қўйилган бўлиб, улар биринчи навбатда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида ифодаланган. Молиявий ҳисобнинг натижалари молиявий ҳисоботларда жамланади. Бу ҳисоботлар давлат манфаатлари ифодачиси бўлган солиқ органларига тақдим этилади ва ошқора молиявий ахборот ҳисобланади. Молиявий ҳисоб маълумотлари корхонани бошқариш учун жуда муҳим аҳамиятга эга, лекин етарли эмас. Шунинг учун ҳам корхонада бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоб талабларига нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ олиб борилиши зарурияти туғилади. Корхонани бошқариш учун зарур ахборот базасини таъминловчи бухгалтерия ҳисоби бошқарув ҳисоби деб аталади. Ҳисоб юритишнинг бу жиҳатини корхонанинг ўзи мустақил равишда белгилайди.

Корхонанинг расмий молиявий ҳисоботларни ишлаб чиқиш ва корхонани бошқариш учун зарур ички иқтисодий ахборотга эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилиши лозим. Ҳисоб сиёсатига нисбатан қонунчиликнинг талаблари 1-сонли БХМСда қайд этилган.



Ҳозирда кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган эмас. Бунинг сабабларидан бири ҳисоб юритиш ходимларининг билимлари ва малакавий даражаси барча ҳолларда ҳам замонавий талабларга жавоб бера олмаслигидир. Шунинг учун кичик бизнес субъектлари учун корхона ҳисоб сиёсатининг намунавий кўринишларини ишлаб чиқилиши ва тавсия этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Илмий нашрларда кичик бизнес субъектларида бухгалтерия ҳисобини юритишни такомиллаштириш ва уни замон талаблари даражасига кўтариш бўйича таклифлар олға сурилмоқда. Молия вазирлиги томонидан бу таклифларнинг умумлаштирилиши, кичик бизнес корхоналари учун соддалаштирилган ҳисоблар режасини, бошланғич ҳужжатларнинг энг муҳим турларининг тавсия этиладиган намуналарини, кичик корхонада бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тузилмаси ва вазифалар тақсимотини, ҳужжатлар айланишини намунавий схемасини ўз ичига олган кичик корхона намунавий ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилиши зарурияти сезилмоқда. Мазкур ҳужжатни 20-сонли БҲМС нинг таркибий қисми сифатида қабул қилиниши ҳам ўзини оқлаган бўлар эди. Чунки юқоридагилар тадбиркорлик эркинлиги чекланишини билдирмайди, балки кичик корхонада молиявий интизом ва молиявий назоратни мустаҳкамлашга хизмат қилади, кичик тадбиркорлик субъектига нисбатан кредиторлар ва потенциал инвесторларнинг ишончларини оширади, корхона фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотнинг зарур даражада ошқоралиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Шунингдек, кичик корхоналар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда бошқарув ҳисоби доирасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки бусиз корхона менежментини эркин иқтисодиёт муҳити талаб этаётган даражага кўтариб бўлмайди. Замонавий корхона фаолияти пухта ва узлуксиз олиб бориладиган бюджетлаштиришга асосланади. Таннарх ҳисобини юритишда стандарт-костингга таяниш зарур бўлиб бормоқда. Корхона менежментини маҳсулотлар турлари ёки масъулият марказлари бўйича харажатлар меъёрларини оқилона белгилаш ҳамда меъёрларга риоя этилиши устидан мунтазам назорат олиб борилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажми-харажатлар-фойда таҳлилини олиб бориш ўта муҳим ўрин эгалламоқда. Мазкур вазифалар ижро этилишининг ахборот базасини бошқарув ҳисобини юритиш орқали таъмин этилади. Шунингдек, корхонанинг бухгалтерия ҳисоби тузилмаси мазкур вазифаларни тўғридан-тўғри бажариб бориши лозим бўлади.



Фикримизча, кичик бизнес корхонанинг ҳисоб сиёсати корхонада норматив калькуляция, абзорпшн-костинг ва директ-костинг тизимларидан фойдаланишни назарда тутмоғи лозим. Бошқарув ҳисоби харажатлар ҳисоби, харажатларнинг туркумланиши, маҳсулот таннархи калькуляцияси, корхона бюджетини тузиш ва ижросини назорат қилишни ҳам ўз ичига олади. Бу вазифалар оқилона бажарилиши учун таннархни ташкил этувчи харажат моддалари классификациясини белгилаб олиш, устама харажатларни тақсимлашдаги мезонларга, корхона бюджети ўз ичига оладиган жадваллар ва натурал-моддий ва қиймат балансларининг шакллариغا нисбатан бир хил талаблар қўйилиши ҳам кичик бизнесда қарорлар қабул қилиниши жараёни пухталигини яхшилашга ёрдам беради.

Демак, замонавий кичик бизнес корхонасидаги бухгалтерия ҳисоби ўзининг мазмуни бўйича молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобининг интеграциялашган тизимидан иборат бўлиши лозим.

Бир томондан глобаллашув, иккинчи томондан эса иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш жараёнида кичик бизнес секторининг ҳудудларни жадал ривожлантиришдаги ролини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар куриб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» Фармонида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юкори ўсиш суръатларини таъминлашдаги алохида мақсадлар ва йўналишлар келтириб ўтилган[2]. Улар бўйича ҳисоб-китобларнинг туб замирида хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тўғри ташкил этиш ётади.

Ишлаб чиқариш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом” асосан туркумланади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади.

Юқорида қайд этилганидек, мазкур низом харажатлар ҳисобга олинишида молиявий мақсадларни назарда тутуди, аниқроғи, хўжалик юрнтиш субъекти



билан давлат ўртасидаги молиявий муносабатларнинг оқилона олиб борилишига қаратилган. Корхона хўжалик фаолиятини самарали ташкил этилиши нуктаи назаридан ҳам бундай ёндашув аҳамиятли лекин етарли эмас. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилишида алоҳида маҳсулотлар таннархи ишончли аниқланиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, корхонанинг умумий молиявий натижалари аниқланишида харажатлар ҳисобга олиниши алгоритми бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун алоҳида маҳсулотлар таннархи аниқланиши учун ҳисоб юритилиши билан бир хил бўла олмайди.

Хўжалик амалиётида тадбиркорлик капитали доиравий айланиши ва тегишли равишда такрор ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида қийматнинг бир шаклдан бошқа шаклларга ўтишида жараёнлар турлича мазмунга эга бўлсада, барча ҳолларда ҳам “харажат” атамаси қўлланади. Албатта, ҳаётда “харажат” атамасидан ташқари “сарф”, “чиқим”, “сарф-чиқим” атамалари мавжуд. Уларни одатда синонимлар сифатида ишлатадилари. Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисобига оид қонунчилик деярли барча ҳолларда харажат атамасини қўллайди.

Россия нашрларида “издержки”, “затраты” ва “расходы” атамаларини уларнинг мазмуни бўйича фарқлашга уринишлар мавжуд[3]. “Издержки” ва “затраты” атамалари синонимлар сифатида ишлатилади. Бирон-бир мақсадларда ишлатилаётган ресурслар қийматининг бошқа бойликда мужассамлашининг пулда ифодаланиши “издержки” деб қаралади. “Расходы” атамаси эса молиявий маънода харажатларни ифодалаган ҳолда солиқ қонунчилигида қўлланади. Шуларга монанд Ўзбекистон қонунчилигининг рус тилидаги версияларида ишлаб чиқариш ва таъминот жараёнлари учун “затраты” атамаси (производственные затраты), сотиш жараёни учун “издержки” атамаси ва якуний молиявий натижаларни аниқлаш учун эса “расходы” атамаси (расходы периода) атамаси қўлланади. АҚШдаги GAAP тизимида харажатлар атамаси молиявий маънода қўлланади. Хусусан, 6-сонли SFACда харажатлар даромад олиниши мақсадларида корхонадан ташқарига чиқиб кетаётган ресурсларнинг корхона учун қийматини ифодалайди[4].

Мамлакатимиз тақдқиқотчиларидан биринчи бўлиб И. Завалишина харажатлар ҳисобини юритишдаги икки жиҳатни кўрсатиб берди[5]. Бошқа иқтисодий нашрларда харажатлар атамасининг мазмунига кўпроқ молиявий маънода ёндашадилар: “Харажатлар mahsulotlarni ishlab chiqarish, tovarlar sotish, ishlar bajarish va xizmatlar ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan sarflarning puldagi



ifodasidir”[6]. Мазкур таъриф корхонага ташқаридан ресурслар олиниши жараёнидаги харажатларни эътиборга олмайди. Молиявий ҳисоботлар ишлаб чиқилишида бу харажатлар умумий тарзда ҳисобга олиниши учун етарли бўлади. Лекин, ресурслар жалб этилиши бўйича алоҳида вариантлар бўйича қарорлар ишлаб чиқилиши учун етарли эмас. Шунингдек, асосий капитал қиймати шаклланишида ҳам молиявий ёндашувнинг ўзи етарли эмас.

Бошқарув мақсадларида маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар: а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар; б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари; в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатларга бўлинади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Юқорида келтириб ўтилган харажатлар корхона томонидан тасдиқланган калькуляция нормалари асосида ҳисобдан чиқарилиб, тайёр маҳсулот тарзида ҳисобга олинади. Барча ишлаб чиқариш харажатлари ҳужжатлаштирилиб, цех раҳбарлари томонидан ишлаб чиқариш далолатномалари тузилади ва ҳисобхонага топширилади. Корхона ҳисобчиси барча маълумотларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9-сентябрдаги № 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича” йўриқномасига асосан бухгалтерия ўтказмалари орқали расмийлаштиради. Ҳужжатларни расмийлаштиришда ишлаб чиқариш харажатларини “2000- асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар”да, аниқроғи корxonанинг асосий фаолият тури ҳисобланган маҳсулот (иш, хизмат)лар, асосий ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2010 "Асосий ишлаб



чиқариш" счётида амалга оширилади ва қуйидаги ўтказмалар орқали киритиш тавсия этилади:[7]

Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
	Дебет	Кредит
Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши	2010	0211-0299
Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга тааллуқли бўлган номоддий активларнинг амортизацияси	2010	0510-0590
Тўғри материал харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга ҳисобдан чиқарилди	2010	1010-1090
Чорвачилик маҳсулотини олиш учун ҳайвонларни сўйиш (ҳайвонлар қиймати)	2010	1110, 1120
Материаллар қийматидаги фарқ тегишли улушларда асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди	2010	1610
Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш учун асосий ишлаб чиқариш цехларига чиқариш	2010	2110
Ёрдамчи цехларнинг харажатларини асосий ишлаб чиқаришнинг маҳсулоти ва хизматлари таннархига киритиш	2010	2310
Умумишлаб чиқариш харажатларининг асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларининг таннархига киритилиши	2010	2510
Яроқсиз маҳсулотлар ҳисобига йўқотишлар асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларлари таннархига киритилди	2010	2610
Илгари келгуси давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатларнинг тегишли улуши маҳсулот таннархига олиб борилди	2010	3110-3190



Кириш қилинган тайёр маҳсулотнинг омбордан цехларга қайта ишлаш ва ҳоказо учун қайтарилиши	2010	2810
Товарлар қайта ишлашга берилди	2010	2910-2990
Ишлаб чиқариш учун бевосита цехларга келиб тушадиган моддий қийматликлар ва хизматлар олинди	2010	6010
Қондирилмаган даъволар суммаси асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматларининг таннархига киритилди	2010	4860
Асосий ишлаб чиқаришдаги суғурта харажатлари	2010	6510
Асосий ишлаб чиқаришга тегишли ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлар	2010	6520
Асосий ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича суммалар ҳисобланди	2010	6710
Ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган асосий ишлаб чиқариш харажатлари	2010	4220, 4290, 6970
Асосий ишлаб чиқариш цехларига турли корхоналарга улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзлар	2010	6990
Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларга қилган харажатлари	2010	6110, 6120
Асосий цехларда аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари кириш килинди	2010	9390

Барча бухгалтерия ўтказмаларини берилгандан сўнг 2010-асосий ишлаб чиқариш счёти дебитида йиғилган харажатлар суммаси ишлаб чиқариш мақсалига кўра тайёр маҳсулот сифатида, товар, хом-ашё ёки сотилган маҳсулот таннархи сифатида даромадга олинади. Унинг бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлиши тавсия этилади:



Маҳсулотни ҳақиқий таннарх бўйича ишлаб чиқариш	2810	2010
Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар операциялараро омборларга кирим қилинди (ярим тайёр маҳсулот ҳолида)	2110	2010
Бошқа чиқиб кетган (текинга бериш ва бошқалар) маҳсулот таннархининг ҳисобдан чиқарилиши	9110	2010
Материалларнинг асосий ишлаб чиқаришдан қайтарилиши; ўзида ишлаб чиқарилган материаллар, шунингдек қайтариладиган чиқиндиларнинг кирим қилиниши	1010-1090	2010
Ҳайвонларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш бўйича жорий харажатларнинг ҳайвонлар таннархига (ўсиш ва ортган вазнининг) киритилиши; ҳайвонлар наслининг акс эттирилиши	1110, 1120	2010
Асосий цехларда бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматларнинг сотилиши; тугалланган ва буюртмачи томонидан қабул қилинган ишларнинг босқичлари бўйича харажатлар суммасининг ҳисобдан чиқарилиши	9130	2010

Корхона ҳисобчиси юқоридаги барча бухгалтерия ўтказмаларини расмийлаштириб бўлиб маълумотларни белгиланган тартибда бош китоб счётларига киритади. Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри расмийлаштириш корхонанинг фаолиятига тўғри баҳо бериш ва энг асосланган бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Бошқарув қарорлари қабул қилинишидаги роли жиҳатидан корхоналарда харажатлар ишлаб чиқаришда катнашишига қараб, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларга бўлинади. Ишлаб чиқариш харажатларига бевосита маҳсулотни тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларга давр харажатлари киради.

Корхоналарда маҳсулот таннархига киритилиши усулига қараб харажатлар тўғри ва эгри харажатларга бўлиниб, тўғри харажатларга маҳсулотни тайёрлаш ва қайта ишлаш билан бевосита боғлиқ бўлган материал, иш ҳақи ва бошқа харажатлар киради. Эгри харажатларга эса маҳсулот ишлаб чиқариш билан билвосита боғлиқ бўлган харажатлар, масалан, цех бошқарув



харажатлари, асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатлари ва бошқалар киради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ўзгаришига қараб харажатлар ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлинади. Ўзгарувчан харажатларнинг миқдори маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан ўзгаради: масалан, хом ашё, технологик мақсадлар учун мўлжалланган ёкилги, энергия ва бошқалар. Доимий харажатлар миқдори эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгармайди. Уларга бошқарув ходимларининг иш ҳақи, бошқарув биноларини сақлаш харажатлари ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Корхоналарга ресурслар етказиб келинишида тайёрлов ва қайта ишлаш харажатлари содир бўлади. Тайёрлов харажатларига хом ашёни сотиб олиш, сақлаш, жўнатиш ва бошқа харажатлар кирса, қайта ишлаш харажатлари ресурсларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун мослаштириш учун амалга оширилади.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби тизимида харажатлар турли хил йуналишларда ва мақсадлар учун гуруҳланади. Гуруҳлашни қўлланиши бошқарувчиларга ишлаб чиқаришни бошқариш борасида асосланган қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш харажатлари ва давр харажатларининг ажратиш қайд этилиши моддий ишлаб чиқариш захиралари қолдиқлари қийматини аниқлаш учун зарур. Эҳтиёткорлик тамойилига кўра, давр харажатлари тегишли бўлган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилади ва сотилмаган маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғида келгуси даврларга ўтказилмайди. Бу корхонада баҳо сиёсатида асосланган қарорларни қабул қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, ишлаб чиқариш таннархи ва давр харажатларининг алоҳида ажратиш кўрсатилиши, бир томондан, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятининг, иккинчи томондан эса, маъмурий ва ишлаб чиқаришдан ташқари фаолиятининг охириги молиявий натижага қандай таъсир кўрсатганлигини баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси харажатлар ҳисби юритилишига молиявий жиҳатдан ёндошсада, ундаги қоидалар бошқарув қарорлари ишлаб чиқилишида ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ кодексига маҳсулотнинг моддий мазмунида акс этадиган харажатлар, моддий мазмунда бевосита акс этмайдиган, лекин маҳсулотнинг қийматини бевосита шакллантирувчи харажатлар (асосий воситаларни асраш, ишлатиш ва



таъмирлаш, ишлатишга тайёр ҳолда тутиб туриш кабилар), маҳсулот қийматини билвосита шакллантирувчи харажатлар (табiiй ресурсларни ўзлаштириш ёки уларнинг қайта тикланиши билан боғлиқ харажатлар, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига харажатлар, мажбурий ва ихтиёрий суғурта) қайд этилган[8]. Кодекснинг талаблари ижро этилиши учун мазкур харажатлар корхонада етарли даражада аиқликда ҳисобга олиб борилиши зарур. Кодекснинг ўзбек тилидаги версиясида юқоридагилар харажатлар деб номланган. Рус тилидаги версиясида затрат ёки издержки атамаси эмас, балки расход атамаси қўлланган. Рус тилидаги версияда харажатлар моддий мазмунга тааллуқли бўлганда затратқ атамаси, моддий мазмунни ўзгартирмайдиган, лекин қийматга дахлдор бўлганда эса расходқ атамаси қўлланган[9]. Солиқ кодекси қийматдагина мужассамлашувчи қатор харажатларни маҳсулот таннархига киритиш ва молиявий натижаларга олиб боришни босқичма-босқич олиб боришга рухсат берган. Бу корхонада молиявий ресурслар шаклланишига ва тегишли қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий нашрларда такрор ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида харажатларнинг мазмуни турлича эканлигига биринчи бўлиб И. Завалишина эътибор қаратди. Унинг фикрича, "...расходы приводят к уменьшению капитала и не связаны с распределением капитала, издержки не приводят к уменьшению капитала так как они означают уменьшение одних активов (или увеличение обязательств при увеличении стоимости других активов)"[10].

Хўжалик қонунчилигида ва иқтисодий нашрларда мазмуни ҳар хил бўлган иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг бир хилда номланиши бир қатор вазиятларда сунбiiй қийинчиликларни келтириб чиқариб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Качалин В. В. Финансофый учет и отчетность в соответствии со стандартами ГААР. – Москва, Дело, 2000, стр. 11
2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2022 йил 28 январь.
3. <https://cyberleninka.ru/article/n/zatraty-i-rashody-v-sisteme-buhgalterskogo-ucheta-i-nalogooblozheniya/viewer>
4. Качалин В. В. Финансофый учет и отчетность в соответствии со стандартами ГААР. – Москва, Дело, 2000, стр. 37.



5. Завалишина И. А. Бухгалтерский учет по новому. – Ташкент, Издательский дом “Мир экономики и пава”, 2003, стр 81.
6. Boshqaruv hisobi: darslik В.А Хасанов. АА Хашимов: O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. - Toshkent: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2013. -23-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9-сентябрдаги № 103-сонли буйруғига билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС)
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 2021йил(www.lex.uz sayti)
9. Налоговый кодекс Республики Узбекистан,2021(сайт www.lex.uz)
10. Завалишина И. А. Бухгалтерский учет по новому. – Ташкент, Издательский дом “Мир экономики и пава”, 2003, стр 81.
11. Abdulazizovich, X. U. B. (2024). MOLIYAVIY AKTIVLAR TASNIFINI TAKOMILLASHTIRISH. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 41(2), 82-86.
12. Abdulazizovich, K. U. (2022). Improving Methodological Approaches to Financial Asset Accounting. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876*, 16(4), 56-62.
13. Abdulazizovich, X. U. B. (2023). XALQARO QOIDALAR ASOSIDA QIMMATLI QOG'OZLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH.
14. Abdulazizovich, K. U. IMPROVING THE REFLECTION OF MONEY AND CASH EQUIVALENT IN THE ACCOUNTING BALANCE. *Dear Academicians & Research Scholars*, 55.
15. Abdulazizovich, K. U. B. (2023). Improvement Of Information About Accounts Receivable In Current Assets In The Balance Sheet Based On International Standards. *Journal of Survey in Fisheries Sciences*, 10(2S), 2849-2859.
16. Khakimov, B. J., Alimov, B. B., Kholmirezayev, U. A., & Polechov, A. X. (2013). theory of Economic Analysis. *Tashkent" economics-finance"—2013*.
17. Abdulazizovich, K. U. (2023). POSITIVE ASPECTS OF THE CASH METHOD IN SMALL ENTERPRISES UNDER UNUSUAL CIRCUMSTANCES. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 8.071*, 12(11), 38-47.
18. Холмирзаев, У. А. (2023). ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИНИ АЙЛАНИШИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИНИ АЙЛАНИШИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.
19. Xolmirzaev, U. A. (2020). Financial assets and improvements of their analysis. *Экономика и социум*, (1 (68)), 102-105.